## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 112-ҳадис

112/136 – وَعَنْهُ رَضِيَ الله عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ الله صلى الله عليه وسلم يَقُولُ: «إِنَّ أُمَّتِي يُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ، فَمَنِ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يُطِيلَ غُرَّتَهُ فَلْيَفْعَلْ».

112.136 Нуъайм Мужмирдан ривоят қилинади:

«Абу Ҳурайра билан масжид тепасига чиқдим. У таҳорат қилди ва бундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Албатта, умматим қиёмат куни таҳоратнинг асаридан пешона ва оёқ-қўлларидан оппоқ нур таралиб турган ҳолларида чақирилади. Сизлардан ким нурини узайтиришга қодир бўлса, шуни қилсин»**, деганларини эшитганман».

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI